

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

*Х.А.Назаров, тадқиқотчи*

*Озиқ овқат технологияси ва муҳандислиги халққаро институти*

*И.Қ.Исомиддинов*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги бизнес ва тадбиркорлик олий тақтаби Фарғона вилояти ҳудудий филиали*

Рақамли иқтисодиёт атамаси -1995 йилда Американинг Массачусетс университети информатика соҳасидаги олими Н.Негропonte томонидан киритилган. Ҳозирги кунда ананавий иқтисодиёт тушунчасига тариф берадиган бўлсак - жамиятнинг иқтисодий фаолияти, шунингдек ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш тизимида шаклландиган муносабатларнинг йиғиндиси эканлигини таъкидлашимиз мумкин. Рақамли иқтисодиётни пайдо бўлиши ва ривожланишига биринчи навбатда рақамли технологияларнинг пайдо бўлиши ҳамда улар асосини ташкил этувчи Компьютер, интернет, мобиль телефонларни келтиришимиз мумкин. Ҳозирги кунда улардан фойдаланиш "истеъмол" деб ҳисобланмоқда, бу ҳолда рақамли иқтисодиёт интернет, мобиль алоқа, АКТ воситачилик қиладиган иқтисодий муносабатларнинг бир қисми сифатида ифодаланиши аниқланган.

Рақамли иқтисодиёт - электрон кўринишда маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги тижорий фаолият туридир. Яъни қанчалик ушбу соҳа ривожлантирилса, ўз навбатида республиканинг иқтисодиётига шунча таъсир этади ва борган сайин ЯИМ га қўшган ҳиссаси ортиб боради. Шунга кўра, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Электрон тижорат, электрон банк, электрон ҳукумат ва электрон пуллар.
- Онлайн интерактив хизматлар;
- Реклама орқали пул ишлаб чиқарадиган Wэб сайтлар;
- Интернет-медиа (овоз ёзиш, кино, матбуот, нашриёт);
- Ўйин-ҳордиқ ва бизнес дастурларини яратиш

Рақамли иқтисодиётга ўтиш ҳамма давлатларда бошланган чунки Интернетнинг тижоратлашуви ушбу тизимни ҳамма давлатларига кириб борганлиги мобиль технологиялардан фойдаланилаётганликлари бунга яққол мисол бўла олади. Давлатларда рақамли технологиялардан фойдаланиш ва уларнинг кириб борганлик даражаси ушбу давлатларда рақамли тенгсизлик индексидаги ўрни ва рақамли технология, рақамли иқтисодиётини қанчалик ривожланганлигидан дарак беради. Буни Телекоммуникация, Мобиль технологиялар Интернет ва электрон ҳукуматини ривожланганлиги ҳолатини Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) статистикаларидан билиб олиш мумкин. Ушбу индексларда ривожланган кўпгина давлатлар деярли ўзларининг ҳамма соҳаларига АКТ ни киритиб бўлишган ва энди улар олдида турган масала қандай қилиб улардан фойдаланган ҳолда фойда олиш ва давлат иқтисодиётининг ЯИМ даги рақамли технологиялар улушини ошириш бўйича

ишлар амалга оширишни режалаштириб бажаришлари кераклиги ҳақида изланиш олиб бормоқдалар. Бу ишлар натижасда давлатлардаги ананвий мавжуд бўлган иқтисод трансформация (ўзгариш) болишни бошлайди. Ушбу ўзгаришларга:

- Иқтисодиётнинг бозор -иқтисодиёти асосида фаолият олиб бораётган корхоналар янги иш ва фаолиятларнинг пайдо бўлиши;

- Анъанавий тармоқларни рақамлаштирилиши Рақамли иқтисодиёт ва уни республикамизда шакллантиришнинг қуйидаги йўналишларини келтириш мумкин. Бу йўналишлар илмий изланувчилар ва шу соҳага тегишли мутахассислар томонидан таклиф қилинган: Технологик, жараён ва платформа каби соҳалар киради. Технологик ёндашув - янги технологияларни яратиш ва мавжудини ривожлантиришни ўз ичига олади. Буларга асосан: тармоқлар (Интернет, Интранет), булутли ҳисоблаш ва ката ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, тақсимланган ресурслар ва оммавийлашиб бораётган квант технологиялари, рақамли лойиҳалаш ва моделлаштириш, машиналарни ўргатиш ва сунъий ақл (нутқ ва тасвирни аниқлаш, матнни таржима қилиш ва тасвирни яратиш, нутқ ва мусиқий композициялар авлодлари ва бошқалар), робототехника, буюмлар (нарсалар) Интернет (IoT), 2D- Интернет if аверйтхинг, 3D Принтерлар ва бошқалар. Яъни ушбу йўналишни ривожлантириш учун биринчи навбатда Интернет технологиясини кириб боориш даражасини ошириш лозим. Ҳозирги кунда айнан шу жараённи ривожлантириш ишларини мамлакатимиздаги турли манбалардан кўришимиз мумкин.

Жараёнлари ва платформалар - Рақамли иқтисодиётни шакллантириш жараёнлари ва платформалари ёндашуви ташкилотларда ва уларнинг бизнес моделларининг ўзгаришини англатади. Бунда Бизнес жараёндаги кетма-кет бажариладиган ишлар BPR-Biznes process reengineering асосида қайта кўриб чиқилади ва оптималлаштирилади. Бунга яққол мисол электрон ҳукумати <https://my.gov.uz> , <https://pm.gov.uz> ва <https://my.soliq.uz> каби порталини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу порталдаги хизматлар асосан анъанавий усулда мурожат бўладиган ҳолатларни "рақамли" кўринишга трансформация қилиниб BPR технологиясини қўллаб, оммага оптимал тарзда давлат хизматларини тақдим этиб келмоқда. Ҳозирги кунда республикамиздаги бизнес тизимларини таҳлил қиладиган бўлсак тизимларнинг аксарият қисми биринчи авлоднинг бизнес-ахборот тизими модели - 1.0 асосида ташкил қилинган ва 2.0 авлод бизнес ахборот тизимига ўтиш ишлари бошлаб юборилган. Ушбу 2.0 авлод бизнес ахборот тизимлари моделида Интернетга ўтишда асосий эътибор турли бизнес аналитика воситалари орқали турли таҳлиллар, шу жумладан ўзаро фаолият, булутли ва ақилли ҳисоблашлар, машиналарни ўргатиш воситаларидан фойдаланишга ўтишмоқда. Сабаби корхона фаолияти ўзгарувчан бозор талабларига тезда мослашиши ва турли хизматларни оммага таклиф этиш асосий сабабчисидир. Бу эрда ҳам катта муаммо аён бўлиб бормоқда юқорида айтилган технологиялардаги хизматлар мавжуд бўлишига қарамасдан фойдаланувчилар эски анъанавий усулда давлат хизматларига мурожати сақланиб қолмоқда.

Сабаби фойдаланувчиларнинг АКТ соҳасидаги билими ва Интернет тизимидан фойдаланиш кўникмалари ҳали ҳам пастлигини келтириш мумкин.

Рақамли иқтисодиётда ишлаб чиқариш омили сифатида моддий физик маҳсулот эмас улар тўғрисидаги турли маълумот ва ахборотларни ишлаб чиқиш қайта ишлаш ва узатиш, қарорлар қабул қилиш ва сотиш кабиларни келтириш мумкин. Яъни кам ҳаражат қилган ҳолда кўп фойда олишдир. Бу жараёни кўпгина гигант Microsoft, Amazon, Apple компанияларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Яъни уларнинг бизнес модели асосида дастур ёки восита яратилади, оммага тақдим этилади ва уларнинг сотишдан фойда оладилар. Соҳавий йўналишлар - Мутахассислар маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тортиб, уни сотишгача ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатишгача бўлган замонавий ишлаб чиқариш циклини таҳлил қилдилар. Уларнинг хулосаларига кўра, мавжуд бўлган барча босқичларни янги технологик комплекслар билан алмаштириш мумкин эканли аниқлангандан сўнг, рақамли илмий-тадқиқот марказлари, рақамли завод, рақамли омборхона ва рақамли транспорт, электрон тижорат ва турли рақамли хизматларни тақдим этишни бошладилар. Бундан ташқари, рақамлаштириш (автоматлаштириш ва тегишли трансформация) нафақат саноат ва корхоналарда, балки хизмат кўрсатиш ва бошқариш, молия сектори, банк, туризм, таълим соҳаларида ҳам амалга оширилмоқда.

Рақамли технологияларнинг соҳаларда жорий этилиши, Иқтисодий тармоқни ҳам ташкилий, ҳам технологик жиҳатдан сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Буларга қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ҳам катта аҳамият касб этади. Бунга логистика, интеллестуал суғориш тизимлари, тупроқ ва экинларни назорат қилишни такомиллаштириш каби ишларини ҳам амалга ошириш лозим.

Рақамли иқтисодни киритаётган дунёнинг етакчи давлатларидан 2017 йил маълумотларига кўра АКТ соҳасининг ЯИМдаги улуши: Америка Қўшма Штатларида 10,9 %, Хитой 10 %, Эвро иттифоқда 8,2 % Бразилияда 6, 2 % , Хиндистонда 5,5 %, Россияда 3,9 %. Ни ташкил этиб, дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ўртача кўрсаткич 5-7 фоизни ташкил этмоқда Ушбу ЯИМ га АКТ соҳасини улуши таҳлил қилиш жараёнида аниқландики, турли таҳлил компаниялар турли маълумотларни тақдим этганликлари ҳамда уларни АКТ улушини ҳисоблаш бўйича турли ёндашувлари сабабли фарқланиши аниқланди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ягона умум жаҳон стандарт ва услубларни ишлаб чиқиб шуасосда ҳисоблашни олиб бориш долзарб муаммо ҳисобланади. Рақамли иқтисодни киритаётган дунёнинг етакчи давлатларидан 2017 йил маълумотларига кўра АКТ соҳасининг ЯИМдаги улуши: Америка Қўшма Штатларида 10,9 %, Хитой 10 %, Эвро иттифоқда 8,2 % Бразилияда 6, 2 % , Хиндистонда 5,5 % Россияда 3,9 %. Ни ташкил этиб, дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ўртача кўрсаткич 5-7 фоизни ташкил этмоқда Ушбу ЯИМ га АКТ соҳасини улуши таҳлил қилиш жараёнида аниқландики, турли таҳлил компаниялар турли маълумотларни тақдим этганликлари ҳамда уларни АКТ улушини ҳисоблаш бўйича турли ёндашувлари сабабли фарқланиши аниқланди.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ягона умум жаҳон стандарт ва услубларни ишлаб чиқиб шу асосда ҳисоблашни олиб бориш долзарб муаммо ҳисобланади.

Булардан ташқари АКТ технологиялари турли хизматлар ва қулайликлар тақдим этиш орқали бизнесни ва кундалик ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юбормоқда. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлардаги ҳолатлар таҳлили натижасида иқтисодий ўсиш сезиларли пасайишни бошдан кечираётганлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолда изланувчилар аънанавий иқтисодиёт учун ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари Рақамли иқтисодиёт ривожланишини ўлчашда ҳам унинг ЯИМ га улушини топишда мавжуд статистика усулларида фойдаланишмоқда ва уни чекланганлиги, Рақамли иқтисодиётда уларни ишлатиш аниқ натижа бермаётганлиги ҳамда долзарб мавзуга айланиб бораётганлиги айtilган.

Юқоридаги таҳлил натижасида Ўзбекистон давлати ҳам рақамли иқтисодиётга ўтиш даврини босиб ўтиши лозим, бунга юқоридаги таҳлил натижаларига катта этибор қаратиш лозим. Чунки олинган натижалар асосида рақамли иқтисодиётга ўтиш ҳамда уни ривожлантиришдаги технологик, платформа ва соҳалардаги муаммолар ҳамда ЯИМ га улушини ўлчаш каби масалаларни ечиш орқали ҳукумат томонидан тегишли чора тадбирларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ўзбекистон республикасининг АКТ соҳасининг ЯИМ даги улуши 2018 йил учун 2 фоиз ва ушбу улушни 2030 йилгача 10 фоизгача ошириш давлатнинг йўл ҳаритасида белгилаб олинган. Шундай экан ушбу соҳани ривожлантириш ҳамда рақамли иқтисодиётга трансформация жараёнини таҳлил қилиш ва тегишли чора тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб илмий масала ҳисобланади. Шундай экан АКТ соҳасини ривожлантириш нафақат давлат учун фойда келтириши балки Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

*UN DataBase, <https://data.un.org/SdmxBrowser/start>*

*Кахре, С., Хоффманн, Д., Ахлеманн, Ф., 2017. Бейнд бусинесс-ИТ alignment-digital business strategies as a paradigmatic shift: a review and research agenda. In: Proceedings of the 50th Hawaii International Conference on System Sciences, pp. 4706-4715.*

*Коробейникова, Э.В. Digital Transformation Of Russian Economy: Challenges, Threats, Prospects. 2019. pp. 1418-1428.*

*Аскланд, Р.. Economic Analysis of the Digital Economy. Economic Record, 301(93), 2017, pp.334-336.*

## **THE ROLE OF DIGITALIZATION OF BANKS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY**

***D.A.Mirtursunova, researcher  
Kimyo international university in Tashkent***

In the contemporary landscape of finance and commerce, the symbiotic relationship between digitalization and economic development has become increasingly evident. The digital economy, characterized by the fusion of digital